

ATTACHMENT № 3-6 □  
to the Regulation and publishing information on the securities market

1	<b>NAME OF ISSUER</b>							
	Full name:		Joint-stock company "KDB Bank Uzbekistan"					
	Short name:		JSC "KDB Bank Uzbekistan"					
Name of securities market ticker:*		KBUN						
2	<b>CONTACT DETAILS</b>							
	Location:		3, Bukhoro street, Mirobod district, Tashkent city, 100047, Republic of Uzbekistan					
	Postal address:		3, Bukhoro street, Mirobod district, Tashkent city, 100047, Republic of Uzbekistan					
	E-mail address:*		info@kdb.uz					
	Corporate website: *		http:// www.kdb.uz					
3	<b>INFORMATION ABOUT SUBSTANTIAL FACT</b>							
	Number of substantial fact:		6					
	Name of substantial fact:		Decisions taken by the supreme governing body of the issuer					
	Form of general meeting:		annual extraordinary ✓					
	Date of holding general meeting:		13.10.2020					
	Date for drawing up of protocol:		23.10.2020					
	Location of holding general meeting:		3, Bukhoro street, Mirobod district, Tashkent city, 100047, Republic of Uzbekistan					
	Quorum of general meeting:		100 % (681 371 600 votes )					
	№	Questions that put to the vote	<b>Results of Voting</b>					
			<b>pro</b>		<b>cons</b>		<b>abscond</b>	
			%	quantity	%	quantity	%	quantity
	1	Introduction of changes and additions to the Charter of "KDB Bank Uzbekistan" JSC	100.00	681,371,600	0	0	0	0
	2	Election of a new member of the Supervisory Board	100.00	3,406,858,000	0	0	0	0
	3	Election of a new member of the Revision Committee	100.00	681,371,600	0	0	0	0
	The full wording of the resolutions adopted by the general meeting:							
1	Introduction of changes and additions to the Charter of "KDB Bank Uzbekistan" JSC. The 2-Extraordinary General Meeting of Shareholders has unanimously resolved: • To approve the changes and additions to the Charter of "KDB Bank Uzbekistan" JSC. • To entrust the Management Board to register the amendments to the Charter at the Central Bank of Uzbekistan.							
2	Election of a new member of the Supervisory Board. The 2-Extraordinary General Meeting of Shareholders has unanimously resolved: • To elect Mr. Kim, Dong Kyun for the Supervisory Board membership by cumulative voting. • To announce the results of cumulative voting at the end of the counting commission meeting							
3	Election of a new member of the Revision Committee The 2-Extraordinary General Meeting of Shareholders has unanimously resolved: • To elect Mr. Baik, Hyun Soo as a member of the Revision Committee.							
Accrued and paid remuneration and (or) compensation in favor of members of the executive body, supervisory board and the issuer's revision commission:***								
№	Name, Surname	Name of issuer 's body,	Type of payment	Accrued amount (UZS)	Period for which funds were	Document in		
1	-	-	-	-	-	-		
Election of members of the supervisory board (Indicated when available): Information about candidates								
№	Name, surname	<b>Place of work, position</b>		<b>Shares ownership</b>		<b>Number of votes</b>		
		place	position	type	quantity			
1	Mr. Kim, Dong Kyun	"KDB", Republic of Korea	Head of Global Network Team, International Business Department	-	-	3,406,858,000		
The text of the amendments and (or) additions to the Charter (Indicated when available):								

1. Уставнинг 1.4-бандининг 42-кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
42) “ТИФ МБ” АЖ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият юритаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент, Амир Темурашох кўчаси, 101-уй юридик манзили бўйича жойлашган “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамиятини билдиради

2. Уставнинг 2.1.-бандидаги Банк акциядорларидан бири Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки номи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти

3. Уставнинг 3.6.-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
3.6. Амалдаги қонунларга бўйсиниш. Банк ўз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширади.

4. Уставнинг 4.2.-банди 20-кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
20) Молиявий ёки банк фаолияти масалалари юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг жамғармалари ёки активларини бошқариш мақсадлари учун хизматлар кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ёки ёрдам кўрсатиш каби активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

5. Уставнинг 4.2.-бандининг 27-кичик банди чиқариб ташлансин.  
6. Уставнинг 4.2.-банди қуйидаги мазмундаги 27-30-кичик бандлари билан тўлдирилсин:  
27) тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;  
28) ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;  
29) электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;  
30) Банклар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

7. Уставнинг 4.3.-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
4.3. Тақиқланган фаолият. Банк амалдаги қонунчилик билан ёки ушбу Уставада тақиқланган фаолият билан шуғулланмайди.  
Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.  
Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:  
а) банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускуна ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;  
б) ўз активларини сотишга;  
в) чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;  
г) суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;  
д) банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкни мулк ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

8. Уставнинг 6.1.-банди 1-қисми қуйидаги жумла билан тўлдирилсин:  
Банк ўз акцияларини сотиб олиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банк томонидан сотиб олинадиган ўз акцияларининг суммаси банк устав капиталининг ўн фоизидан ошиши мумкин эмас.  
Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталдаги:  
беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;  
йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;  
эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

9. Уставнинг 7.1.-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:  
Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:  
а) пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;  
б) ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;  
в) Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс этирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;  
г) Марказий банкнинг фойдани тақсимлаш тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

10. Уставнинг 10.2.- банди қуйидаги тахрирдаги 24-кичик банд билан тўлдирилсин:  
24) ижроия органининг аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Банкнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш.

11. Уставнинг 10.6.-бандининг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (“Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши”) Банк Кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби асосида, ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш (5) фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида, шунингдек қун тартибини белгилаш ҳуқуқи билан Марказий банкнинг қонунда ўрнатилган тартибдаги ёзма талаби асосида ўтказилади.

12. Уставнинг 11.2.-банди биринчи жумласидан сўнг қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:  
Банк Кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.

13. Уставнинг 11.3.-бандининг 10, 21 ва 24-кичик бандлари қуйидаги тахрирда баён қилинсин:  
10) Банкнинг бизнес-режасини, стратегик мақсадларини, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан тавakkалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлигини лозим даражада сақлаб туриш, ички назоратга оид сиёсатларни тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;  
21) хар чоракда банк фаолияти натижалари ва бизнес-режасига мувофиқлиги тўғрисидаги Бошқарувнинг ҳисоботларини эшитиш;  
24) хар чоракда банк ички аудит хизмати раҳбарининг Бошқарув томонидан банкнинг бизнес-режаси, стратегиялари ва бошқа ички сиёсатлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

14. Уставнинг 11.3.-банди қуйидаги мазмундаги 27 – 32 кичик бандлари билан тўлдирилсин:  
27) активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;  
28) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

29) банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;  
30) банкнинг бошқаруви устидан қуйидагича назоратни амалга ошириш:  
а) банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;  
б) банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни қўриш;  
в) бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;  
31) йиллик молиявий ҳисоботларни дастлабки тарзда тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;  
32) банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш.

15. Уставнинг 13.3.-банди 2 ва 3 кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
2) банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажаради, шунингдек банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва банк кенгашига бажарилган ишлар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этади;  
3) банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида тақсимлашни таъминлайди;

16. Уставнинг 13.3.-банди қуйидаги таҳрирдаги 15 ва 16 кичик бандлари билан тўлдирилсин:  
15) стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлайди, бошқаради, мониторинг қилади ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этади, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга оширади;  
16) банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

17. Уставнинг 14.1.-банди қуйидаги жумла билан тўлдирилсин:  
Марказий банк банк кузатув кенгашининг ва бошқарувнинг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига қўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишдан олдин келишиб олади.

Full name of the head of executive body: \_\_\_\_\_ Heung Sang Kim

Full name of chief accountant: \_\_\_\_\_ Juraev Abror Baxshillaevich

Full name of the authorized person  
who posted the information on the website: \_\_\_\_\_ Radjabov Umidjon Tokhirovich